

ОЛИМ ҲАҚ ЭКАН

(Ҳикоя)

Иш вақти тугай деб қолганди, телефон жиринглади. Трубкани олдим:

- Саломлар! — деган таниш овоз эшитилди ундан. — Тирикмисиз, Мусурмонкул?

- Э, Ўрол! — хитоб қилдим. — Ишлар яхшими?

- Тузук. Қимирлаб турибмиз.

- Эй, Мусурмонкул, шу, ҳамма оғайнилардан фақат мен хабар оларканман-да, а? Вақтингиз қалай?

- Вақтми, бемалол. Соат еттидан кейин.

- Бўлмаса, учрашайлик, — деди Ўрол. — Ҳалиги, кафеимизнинг ёнида. Майлими?

- Хўп.

Учрашгандан кейин ошхонага қараб юрарканмиз, атрофимиздаги бекорчиларни кўриб орзимдан:

- «Ишлаган тишлайди» мақолини ўзгартириш керак, — деган гап чиқиб кетди беихтиёр.

- Ўзгартириладиган нарсалар кўп. Ломоносовнинг «Бордан йўқ бўлмайди», деган гапи ҳам нотўғри, — деди Ўрол.

- Нега энди?

- Ҳозир кўрасиз. — Ўрол кафе буфетидан ароқ олди. — Мана, — деди кейин, — пул бор эди, йўқ бўлди.

- Э, у қоиданинг давоми-чи? — Ўтироз билдирдим мен. — «Бордан йўқ бўлмайди, балки бир шаклдан иккинчи шаклга ўтади». Ҳозир пул шиша ва ичидаги араққа айланди, тўғрими?

- Тўғри-ю, лекин...

- Қани, кўтардик.

- Хўп, ҳали пул шиша ҳамда араққа айланганди. Мана энди ичимизга ўтгани бутунлай йўқ бўлди? — Ўрол ўз фалсафасини давом этдирди.

Мен ўйланиб қолдим. Чиндан ҳам энди қандай шаклга ўтди? Нахотки?!

-Э, менга ўхшаган бирор одам ўқитувчиларга бу қоиданинг хатолигини исботлаб бермагунча ўқитаверишади.

- Ким билади...

Ароқнинг қолганини ҳам ичиб, овқатни еб бўлдик. Кайфимиз на уёқли, на буёқли эди.

- Чала суйилдик-ку, — дедим мен.

- Тўғри, юз граммдан тикка-турмачоқ қиламиз, — деб гапимни маъқуллади Ўрол.

Айтганимизни қилдик.

- Мана, — дед и Ўрол, — бу гал пул шиша шаклига ҳам кириб улгурмади.

Биз кўчада анча валақлашиб тургач, тарқадик.

Орадан икки-уч кун ўтгач, Ўрол тагин телефон қилиб қолди. Гаплашиб бўлганимиздан кейин сўрадим:

- Ломоносовнинг қоидаси нима бўлди?

-Э, дўстим, олим ҳақ экан, — деди Ўрол. — Ўша кунги арақ уйда жанжал шаклига кирди. Кейин касалликка айланди. Ишга боролмадим. Касалликдан касаллик варақаси шаклига киритмоқчи эдим, бўлмади, прогулга ўтиб кетди. Мана, бугун хайфсанга айланиб турибди-да. Энди хайфсан нимага айланаркан, деб кутияпман...

Ёзувчи Ориф Фармоннинг
“Ёввойи одам” китобидан